

**"ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР" ФАНИНИ ҮҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚҰЛЛАШНИ АҲАМИЯТИ**

Туйчиев Л.Н., Максудова З.С., Назиров Ш.А., Тошпұлатова Ш.А.

**ЗНАЧЕНИЕ НОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ
ОБУЧЕНИИ ПРЕДМЕТУ "ИНФЕКЦИОННЫЕ БОЛЕЗНИ"**

Туйчиев Л.Н., Максудова З.С., Назиров Ш.А., Тошпұлатова Ш.А.

**THE VALUE OF INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES
IN OF THE SUBJECT STUDY OF "INFECTIOUS DISEASES"**

Tuychiyev L.N., Maksudova Z.S., Nazirov Sh.A., Tashpulatova Sh.A.

Тошкент тиббиёт академияси

Описаны новые педагогические технологии, используемые при проведении занятий по инфекционным заболеваниям, благодаря которым у студентов развивается аналитическое мышление, а также появляется интерес к научному исследованию и стремление развивать приобретенные навыки.

Ключевые слова: студенты, педагогические технологии, инфекционные заболевания.

New pedagogical technologies used during lessons on infectious diseases are described, thanks to which students develop analytical thinking, as well as interest in scientific research and the desire to develop acquired skills.

Key words: students, pedagogical technologies, infectious diseases.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий – сиёсий мустақилликни кўлга киритгач, ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ислоҳотлар республиканинг ривожланиши ва тараққиёт йўли деб эътироф этилган демократик, инсонпарвар, хуқуқий жамиятни барпо этиш учун хизмат қиласи. Демократик, инсонпарвар, хуқуқий жамиятни барпо этиш вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод зиммасига юқлатилар экан, ўз ўрнида уларнинг таълим – тарбиясини мақсадли амалга оширишга бевосита жамият, оила ва таълим тизими бирдек маъсул. Шунингдек, таълим-тарбия билан боғлиқ қасб эгалари педагоглар, уларнинг қасбий салоҳияти, мақала ва маҳорат даражалари, маънавий қиёфаси масалалари ҳам давлат сиёсатининг устувор масалаларидан биридир.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни”ни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислоҳотларни кўзда тутади. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклдаги муассасаларида таълим жараёнини илфор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган илфор ва замонавий услугият билан амалда таъминлаш лозим. Айниқса тиббиёт кадрларини тайёрлашга масъул бўлган профессор-үқитувчиларининг тиббиёт фани бўйича билим, кўнумка ва малакаларини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир. Ҳозирги вақтда таълим жараёнинида үқитишнинг замонавий усуллари кўллаш ўқитиш жараёнинида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим усулларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади [4, 5].

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурни” ғояларини амалиётта тадбиқ этиши Республика таълим тизимида олиб борилётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда қасбий маҳоратларига боғлиқдир. Зоро, олий ва қасб-хунар таълими муассасаларида фаолият кўрсатётган ўқитувчи үқитиш шаклларининг оптималь даражада ташкил этишини, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги foялар билан бойитишни пухта билиши лозим.

Таълим олувчилар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожланиши учун зарур

шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири саналади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий үқитиш усулларига қўшимча равишда янги үқитиш шакли – масофавий үқитиш яратилишига омил бўлди. Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи бир-биридан ажralган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Бундай үқитиш жараённида талаба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчинга бевосита раҳбарлигига назорат ишларини бажаради ва гурухдаги бошқа “Вертикал ўқув гуруҳи” талabalari билан мулоқотда бўлади. Замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли мухит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб, аммо бундай мухит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишига хизмат қиласи.

Ҳозирги кунда таълим жараёнда интерактив усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнинида қўллашга бўлган қизиқиши эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларнинг эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хуносаларни ҳам ўзлашри келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланниши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнинида ўқувчи-талаба асосий ўрин тутади [4, 5]. Шунинг учун олий ўқув юртлари ва факультетларida малақали қасб эгаларини тайёрлашда замонавий үқитиш усуллари-интерактив усуллар, инновацион технологияларининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. “Педагогик технологиялар” талабаларда кўйидагиларни шакллантиришга олиб келади:

"ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР" ФАНИНИ ҮҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ...

Талабаларда "Педагогик технологиялар"га оид билимларини такомиллаштириш ва улардан ўз тиббий-педагогик фаолиятларида фойдалана олиши малакаларини шакллантириш;

Талабаларда "Педагогик технологиялар" ҳақида тушунчаларни ва амалий күннікмаларни шакллантириш;

Талабаларда "Таълим жараённан педагогик технологияларни қўллаш"га оид назарий билим ва амалий күннікмаларни таркиб топтириш;

Талабаларда "Педагогик технологиялар асосида ўкув жараённин лойихалаштириш ва амалга ошириш" ҳақида назарий билимлар ва амалий күннікмаларни шакллантиришдан иборат.

"Технология" атамаси юонча сўз бўлиб, "techne"-маҳорат, санъат ва "logos"- тушунча, ўрганишни англатади. Демак, технология – ҳунар, санъат маъносини билдиради ва жараёнларни амалга ошириш усуллари ҳамда воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек обьектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади [2].

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири бу таълим жараённiga замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов бу масалада "бугун ҳайтимизга чуқур кириб бораётган интернет тизимини кенг жорий этиш, ёшларимизни Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, эзгу қадриятларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қиласиган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борада ўзбек тилининг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши лозим" лигини таъкидлайди [4,5]. Бу каби вазифаларни бажариш кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга оширишнинг босқичларида белгилаб берилган бўлиб, унинг келажакдаги истиқболи биринчи Президентимиз томонидан илмий асослаб берилди. Моделни амалиётга тадбик этиш ўкув жараённин технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Илмий-техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда таълим соҳасига ҳам замонавий ахборот технологияларини жорий этишини тақозо этмоқда. Шу боисдан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида "ўкув-тарбиявий жараённи илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлаш" зарурати эътироф этилди, унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди".

Анъанавий ва ноанъанавий

(замонавий) таълимнинг қиёсий таҳлили

№	Анъанавий тълим	Замонавий таълим
1.	Янги авлодга билим ва тажриба бериш	Талабаларнинг шахсий баркамоллигини таъминлаш ва ривожлантириш
2.	Талабаларни ҳаётга тайёрлаш	Қийинчилклар-сиз яшашига ўргатиш
3.	Ҳозирдан келгусида яхши бўлишига тайёрлаш	Доимий ўзгариш жараёнида яшашига ўргатиш
4.	Таълим мақсади – билим олиш	Таълим мақсади – ўзини ривожлантириш, баркамоллик
5.	Талабалар мақсадини тайёр ҳолда оладилар	Ўзининг хуқуқий мақсадларини кўйиши ва унга эриши ўйларини танлаш
6.	Талабалар назорат турларидан қочадилар	Объектив ва ўз вақтида назоратга интилиш
7.	Ўкув муассасалари ўзаро ўхшаш	Ҳар бир ўкув муассасаси юксалиш сари интилади
8.	Аниқ ўқитувчи	Ўқитувчини танлаш имконияти

Ҳозирги вақтда юқумли касалликлар фанини ўқитишида янги педагогик технологиялардан "SWOT" таҳлили,

"Лойиҳалаш", ФСМУ усуллари, шунингдек "Синквейн" усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу усуллар орқали талабалар юқумли касалликларга ташхис қўйишни, даволашни қизиқиб ўрнамоқдалар [3].

Масалан "SWOT" таҳлилни мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш ўйларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласиди.

"SWOT" қисқартмаси қуидаги инглизча сўз-

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• хавф ва тўсиқлар

ларнинг бош ҳарфидан олинган:

Бундай таҳлил орқали талабалар бирор бир усулнинг кучли томонлари билан бирга унинг заиф томонларини ҳам ўрганадилар, бу усул имкониятлари билан унга нисбатан тўсиқлар ва хавфларни таҳлил қиласидилар.

"SWOT таҳлили" ўтказишда 4 та катакли жадвалдан фойдаланилади:

	Ижобий таъсир	Салбий таъсир
Ички омиллар	Strengths (таҳлил этилиётган обьектнинг кучли томони)	Weaknesses (таҳлил этилиётган обьектнинг заиф томонлари)
Ташки омиллар	Opportunities (таҳлил этилиётган обьектнинг имкониятлари)	Threats (таҳлил этилиётган обьектга салбий таъсир этувчи ташки таъсирлар)

Тепадаги иккита катақда таҳлил этилаётган усулнинг ёки обьектнинг кучли ва кучсиз томонлари ифодаланади ва улар ички омиллар ҳисобланади. Пастдаги иккита катақда таҳлил этилаётган обьектнинг имкониятлари ва унга нисбатан мумкин бўлган тўсиқ ва хавфлар ифодаланади ва улар ташки омиллар ҳисобланади.

"ФСМУ" усул иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуласалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуласалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнинмаларини шакллантиришга хизмат қиласиди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишида фойдаланиш тавсия этилади. Технологияни амалга ошириш тартиби:

Масалан:

– Р (Ф) Соғлом турмуш тарзига риоя қилиш жуда муҳим.
– R (C) Соғлом турмуш тарзига риоя қилганлар касалликка кам чалинади ва узоқ умр кўради.

– E (M) Текширувлардан маълумки, инсонларда мавжуд касалликларнинг 40-50% соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик натижасида келиб чиқади.

- S (У) Касалликларни олдини олиш мақсадида инсонлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш лозим.

"Синквейн" (5 қатор) техникаси

Мақсад – ўрганилаётган обьектга характеристика бериш. Намуна: Ботулизм касаллигига тузилган "Синквейн"

Ботулизм

Хавфли, заҳарли

Фалажлайди, оғирлаштиради, ўлдиради

Ботулизмга қарши зардоб даволайди

Заҳарланиш

Мақсадимиз – "Юқумли касалликлар" фанидан тала-баларга касбий билимларни беришда педагогик ва амалий маҳоратни эгаллашнинг зарурлиги ҳақида баҳс юритишидир.

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аникушина У.А и др. "Инновационные образовательные технологии, активные методы обучения" Методическое пособие.

Томск, 2010.164С

2. Ишмуҳамедов Р. Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент, 2013.140С.

3. Ишмуҳамедов Р, Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-педагоглари учун амалий тавсиялар).- Т: Истеъод, 2008.

4. Ишмуҳамедов Р. Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология Т: УДАП, 2004.

5. И.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т. Ўзбекистон, - 2011.

6. И.Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили-буюк кела-жагимизнинг гаровидир – Т: Ўзбекистон, 2012.

7. Майсан О.С. SWOT анализ: объект, факторы, стратегии. Проблема поиска между факторами // Прикаспийский журнал: управление и высокие технологии. 2014.№3, С 23-26.

8. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни-Тошкент, 1997.

9. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар таёrlаш Миллий дастури"-Тошкент, 1997.

10. Yuqumli kasalliklari, ZakirxodjayevA., 2011, Tashkent.

"ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР" ФАНИНИ ҮҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ АҲАМИЯТИ

Туйчиев Л.Н., Максудова З.С., Назиров Ш.А., Тошпўлатова Ш.А.

Мақолада юқумли касалликларни үқитишида педагогик технологияларни аҳамияти ҳақида маълумот келтирилган. Буусуллар ёрдамида талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантирилади. Шунингдек илмий изланишга бўлган қизиқишлари ортади ва илм билан шуғулланиш кўнинкамаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Калит сўзлар: педагогик технологиялар, таълим технологиияси, юқумли касалликлар.